Февраль 2018

# Тошкент оқшоми

2018 йил 1 февраль, пайшанба

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 21 (13.618)

Баҳоси эркин нархда

## ЖАМИЯТИМИЗДА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ВА ФУҚАРОЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ – ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФА

**2018 йил 31 январь куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.**

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

Йиғилишда мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар ва ўзгаришлар жараёнида прокуратура органлари томонидан қилинаётган ишлар ва улар олдида турган вазифалар муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари прокуратура органлари олдида турган устувор вазифалар тўғрисида тўхталиб ўтди.

Прокуратура органлари ходимлари ислоҳотларни самарали амалга оширишда ўзларининг бор салоҳияти, билим ва тажрибасини сафарбар этиши зарурлиги таъкидланди. Қабул қилинаётган қонун, фармон ва қарорларнинг амалий ижросини сўзсиз таъминлаш прокуратуранинг энг муҳим ва долзарб вазифасига айланмоғи лозим.

Йиғилиш иштирокчиларининг эътибори фаровон ҳаётимиз асоси бўлган тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, хорижий инвесторларнинг мамлакатимизда эркин фаолият юритиши учун шароитлар яратиш прокуратура органлари томонидан кафолатланиши зарурлигига қаратилди.

Прокурорларнинг секторлар раҳбари сифатидаги фаолиятида энг муҳим вазифаларидан бири одамлар ҳаётида ижобий ўзгаришларга эришиш мақсадида ҳудудларни ривожлантиришга кўмаклашишдир.

Давлат бошқарувини халқимиз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш прокуратура органларининг жамиятда қонун устуворлигини таъминлашдаги ролини кучайтиришни тақозо этмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев йиғилишни якунлар экан, прокуратура ходимлари юқори касбий малака ва юксак инсоний фазилатлари билан давлат органлари хизматчиларига ўрнак бўлиши, ҳамиша адолат ва қонунийлик ҳимоясида туриши лозимлигини алоҳида таъкидлади.

Йиғилишда ташкилий масала кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига мувофиқ Президентнинг Давлат маслаҳатчиси лавозимида ишлаб келаётган Отабек Муродов Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори этиб тайинланди.

**ЎзА**

## ПРЕЗИДЕНТ ВИРТУАЛ ҚАБУЛХОНАСИ ДАСТУРИЙ ТИЗИМИНИНГ ЯНГИ ТАЛҚИНИ

**унда жисмоний ва юридик шахслар учун бир қатор янги қулайлик ва имкониятлар тақдим этилмоқда**

Мамлакатимизда жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат органларига ариза, шикоят ва таклифлар билан мурожаат қилиш бўйича конституциявий ҳуқуқларини тўлиқ рўёбга чиқариш юзасидан барча имкониятлар яратилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрда қабул қилинган "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ мурожаатлар билан ишлашнинг сифат жиҳатидан янги ва самарали тизими яратилди. Мазкур тизимнинг асоси бўлган Президент Виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналари бевосита давлат раҳбарига мурожаат қилиш, халқ билан доимий мулоқот олиб бориш, одамларни қийнаб келаётган муаммоларни ҳал этишнинг таъсирчан механизмига айланди. Президент Виртуал қабулхонасига ўтган қисқа даврда 1 миллион 600 мингдан ортиқ мурожаат келиб тушгани ҳам бунинг яққол тасдиғидир.

Бу, бир томондан, халқимизнинг давлат ҳокимиятига ва қонун устуворлигига бўлган ишончи тобора ошиб бораётганидан далолат бўлса, иккинчи томондан, жамиятимизда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари самарали татбиқ этилаётгани, халқимизнинг улардан фойдаланиш даражаси юксалиб бораётгани, одамлар яратилган имконият ва қулайликлардан ўз кундалик ҳаётида тўғри ва мақсадли фойдалана олаётганини кўрсатмоқда.

Албатта, ҳаёт бир жойда тўхтаб турмайди. Айниқса, ахборот ва коммуникация технологиялари тез суръатлар билан ривожланиб бораётган бугунги шиддатли даврда кўзланган мақсадларга эришиш йўлида илм-фан ва техника ютуқларидан кенг фойдаланиш аҳолига янги ва қўшимча қулайликларни яратиш имконини беради. Шу маънода, ўтган даврда мурожаатлар билан ишлаш тизимида тўпланган катта тажриба ва ўтказилган чуқур таҳлиллар, фуқароларимизнинг бу борадаги фикр-мулоҳазалари, талаб ва истакларидан келиб чиққан ҳолда Виртуал қабулхона дастурий тизимини янада такомиллаштириш устида иш олиб борилди. Бинобарин, 2017 йил 11 сентябрда янги таҳрирда тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонунида ҳам мурожаатчилар учун қўшимча қулайликлар яратиш кўзда тутилган эди.

Шулар асосида Президент Виртуал қабулхонаси дастурий тизимининг янги талқини ишлаб чиқилди ва 1 февраль куни тест режимида ишга туширилади. Сайт манзили ўзгармаган – **pm.gov.uz.** Бунда **"pm"** қисқартмаси – **"Президентга мурожаат"** тарзида талқин қилинади.

Мурожаат юбориш шакли ҳам ўзгармаган: мурожаатларни 0-800-210-00-00 ёки 10-00 қисқа рақамларига қўнғироқ қилиш, pm.gov.uz манзилидаги махсус мурожаат шаклини тўлдириш орқали ёхуд Халқ қабулхоналарига ташриф буюриб юбориш мумкин.

Виртуал қабулхонанинг такомиллаштирилган талқинида жорий қилинган асосий янгиликлар эса қуйидагилардан иборат.

*(Давоми 2-бетда)*

## ЭНГ АСОСИЙ ВАЗИФА – ШАХС, ЖАМИЯТ ВА ДАВЛАТНИНГ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДИР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2018 йил 31 январь куни Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг кенгайтирилган ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш соҳада амалга оширилган ишлар таҳлили ва Миллий хавфсизлик хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларга бағишланди.**

Йиғилишда Олий Мажлис палаталари раҳбарлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти девони вакиллари, ҳукумат аъзолари, шунингдек, МХХ марказий аппарати ва ҳудудий тузилмаларининг раҳбар ходимлари иштирок этди.

Йиғилишда алоҳида таъкидландики, ҳамма замонда ҳар қандай давлатнинг энг асосий вазифаларидан бири шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлаш бўлган ва шундай бўлиб қолади.

Айнан шунинг учун ҳам Ўзбекистонда мустақилликнинг биринчи кунларидан миллий хавфсизлик масалалари мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсатининг энг устувор йўналиши этиб белгиланди.

Халқаро терроризм, диний экстремизм, одам савдоси, наркотик моддалар ва қурол-яроғ воситаларининг ноқонуний савдоси каби трансмиллий таҳдидлар кучайиб бораётган бугунги кунда ушбу вазифаларга алоҳида эътибор қаратиш янада долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўтган даврда Миллий хавфсизлик хизмати Ўзбекистон суверенитетини, мустақиллигини ва ҳудудий яхлитлигини сақлаш ҳамда ҳимоя қилиш ишларига салмоқли ҳисса қўшгани қайд этилди.

Бу, айниқса, бизнинг яқин ва узоқ ён-атрофимизда рўй берган турли инқирозлар, айрим бузғунчи кучлар томонидан мамлакатимиздаги тинчлик ва барқарорликни издан чиқаришга уринишлар содир этилган жуда оғир йилларда яққол намоён бўлди.

Шу билан бирга, йиғилишда Миллий хавфсизлик хизматининг фаолияти холис баҳоланган ҳолда, унинг айрим бўлинмалари ва ҳудудий бошқармалари фаолияти танқид қилинди. Идоралараро ҳамкорлик, тезкор ва қидирув тадбирларини ўтказиш, шунингдек, кадрлар билан ишлаш борасида йўл қўйилаётган камчиликлар аниқ мисоллар билан кўрсатиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбари замон талабларидан келиб чиққан ҳолда, Миллий хавфсизлик хизматининг таркибий тузилишини қайта кўриб чиқиш кераклигини таъкидлади. Махсус хизмат доирасига кирмайдиган вазифалар билан шуғулланадиган, бошқа давлат тузилмалари фаолиятини такрорлайдиган бўлинмаларни тугатиш, айни вақтда миллий хавфсизликнинг устувор йўналишларини таъминлайдиган бўлинмаларни мустаҳкамлаш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Ўзбекистон тараққиётининг Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган кенг кўламли вазифалардан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизнинг барча соҳалари давр талаби асосида тубдан ислоҳ этилаётган янги шароитда Миллий хавфсизлик хизматининг яқин келажакка мўлжалланган устувор вазифалари белгилаб олинди.

Президентимиз Миллий хавфсизлик хизмати давлатнинг ҳуқуқ-тартибот органларидан бири сифатида ўзининг кундалик фаолиятини мамлакатимизнинг барча вазирлик ва идоралари учун асосий фаолият мезонига айланган "Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак", деган тамойил асосида ташкил этиши зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Жорий йилда Ўзбекистон Республикасининг "Миллий хавфсизлик хизмати тўғрисида"ги қонуни ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши муҳим аҳамиятга эга. Қонунда МХХнинг асосий функция ва вазифалари белгилаб берилади ва, энг муҳими, унинг қабул қилиниши билан мамлакатимиз ҳуқуқ-тартибот органларининг ваколат доиралари аниқлаштириб олинади.

Ҳар қандай жамоа, жумладан, МХХ иш фаолиятининг самараси ҳам кадрлар, биринчи навбатда, унинг раҳбар ходимларига, уларнинг ўз бурчига садоқати, профессионал даражаси, меҳнатсеварлиги ва юксак масъулиятига боғлиқ, деб алоҳида қайд этди Президентимиз.

МХХ бўлинмалари ўзининг ваколати доирасида халқимизнинг муаммоларини ҳал қилишга, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа давлат ташкилотларига олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларни амалга ошириш ишларига яқиндан ёрдам бериши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти МХХ ўқув юртларининг раҳбарлари ва профессор-ўқитувчиларига ёш кадрларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, мамлакат қонунчилиги талабларига оғишмай риоя этиш, турли синовларга чидамли бўлиш, ўз устида мунтазам ишлаш ва профессионал маҳоратини узлуксиз ошириб боришга интилиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратишни қатъий вазифа қилиб қўйди.

Йиғилишда ташкилий масала кўрилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси этиб тайинлангани муносабати билан Миллий хавфсизлик хизмати раиси Рустам Иноятов эгаллаб турган лавозимидан озод қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан Республика Бош прокурори лавозимида ишлаб келаётган Ихтиёр Абдуллаев Миллий хавфсизлик хизмати раиси этиб тайинланди.

Миллий хавфсизлик хизмати ва унинг бўлинмалари фаолияти самарадорлигини янада ошириш бўйича масъул раҳбарларга тегишли топшириқлар берилди.

**ЎзА**

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасида**

## ИСТИҚБОЛДАГИ РЕЖАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан 2017 йилдаги фаолият якунлари ва истиқболдаги режаларга бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.***

Давлатимиз раҳбари 2017 йил 12 июлдаги видеоселектор йиғилишида депутатлар ва сенаторлар фаолиятига таҳлилий ва танқидий нуқтаи назардан ёндашиб, ўта муҳим ва устувор вазифаларни белгилаб берган эди. Қўмита ўз фаолиятини мазкур белгилаб берилган долзарб вазифалар амалий ижросини таъминлаш ҳамда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини яратишга қаратилган қонунчиликни янада такомиллаштириш борасидаги йўналишларга таянган ҳолда олиб борди.

Қўмита раиси ўринбосари Т.Абдусатторовнинг сўзларига кўра, ўтган йил қонун ижодкорлиги самарадорлигини ошириш, тайёрланаётган қонун лойиҳалари сифатини яхшилаш, уларни тайёрлашда мутахассислар, олимлар, амалиётчилар ва кенг жамоатчиликни жалб этиш ва муҳокама қилиш, парламент назоратининг шакллари бўлган – парламент сўрови, депутатлик сўрови, парламент эшитувларини ўтказиш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари ва Давлат дастурининг ижросини назорат қилиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Анжуманда келтириб ўтилганидек, қўмитанинг 2017 йилги фаолият режасига қонун ижодкорлиги йўналишида 11 та қонун ҳужжатини ишлаб чиқиш киритилган бўлиб, амалда 53 та қонун тайёрланди ва қабул қилинди. Жумладан, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари томонидан Қонунчилик палатасига киритилган 45 та қонун лойиҳаси ва 3 та Қонунчилик палатаси қарори лойиҳаси кўриб чиқилиб, муҳокамага тақдим этилган.

"Парламент назорати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 17-моддаси талабидан келиб чиққан ҳолда 2 та қонун ижроси бўйича назорат-таҳлил фаолияти амалга оширилди. Хусусан, фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, маҳалла фаолиятининг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, ваколатлари ва самарали фаолият юритиши механизмларини кенгайтиришга қаратилган ишларнинг самарасини ошириш мақсадида марказда ва жойларда турли тадбирлар, конференциялар, давра суҳбатлари ва семинарлар ўтказилди.

Халқаро йўналишдаги фаолият эса қўмита аъзоларига хорижий парламентлар тажрибасини таҳлил қилиш ва амалиётга жорий этишда ёрдам берди.

Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқишга алоҳида эътибор қаратилди.

Матбуот анжуманида журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

**Нурилло НАСРИЕВ,**
**ЎзА мухбири**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Навоий шаҳрида барпо этилаётган 7 қаватли "Garden House" уйлар мажмуасида қурилиш ишлари якунланди. Бу уйларнинг ўзига хослиги шундаки, ҳар бир қаватда кичик боғ ташкил этиб, мевали ва цитрус кўчатлар етиштириш имконияти мавжуд. "Навоий комфорт қурилиш сервис" масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан 270 хонадонга мўлжаллаб бунёд этилган турар жой биносининг ертўласида болалар учун турли аттракционлар ўрнатилган, кўнгилочар ўйинлар зали фаолият кўрсатмоқда.**

**● Андижонда Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилинган 32 юртдошимизга фуқаролик паспорти тантанали равишда топширилди.**

**● Наманган вилояти Янгикўрғон туманидаги Исковот озиқ-овқат саноати касб-ҳунар коллежида Жиноят ишлари ҳамда Фуқаролик ишлари бўйича туман судларининг сайёр мажлиси ва аҳоли билан очиқ мулоқоти бўлиб ўтди.**

**● Сирдарё вилоятининг Ховос туманидаги Туркистон массивида янгиланган намунавий лойиҳалар асосида барпо этилган 16 хонадонга мўлжалланган 2 қаватли битта ҳамда ҳар бири 2 сотихли ери бўлган саксон иккита уй фойдаланишга топширилди.**

**● Нукусда "Келажагимиз умидлари" шиори остида футбол фестивали ўтказилмоқда. Ўзбекистон футбол ассоциацияси, Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон футбол федерацияси, Қорақалпоғистон Халқ таълими вазирлиги ва Қорақалпоғистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамкорлигида ўтказилаётган фестивалда 1-4 синфларда таҳсил олаётган 400 нафар ёш футболчидан иборат жамоалар ўзаро баҳслашмоқда.**

### ЖАҲОНДА

**● АҚШнинг Ньюпорт-Бич шаҳарчасида вертолётнинг ҳалокатга учраб, турар жой биноси устига қулаб тушиши натижасида уч киши ҳаётдан кўз юмди, икки нафар одам жароҳатланди. Ҳозирча ҳалокатнинг сабаблари маълум эмас.**

**● Россия марказий сайлов комиссияси мамлакат президентлигига номзодларни қўллаб-қувватлаш учун овоз йиғиш жараёнининг якунланганлигини маълум қилди.**

**● Филиппинда Майон вулқонининг отилиши маҳаллий аҳолини саросимага тушириб қўйди. Натижада 40 мингга яқин аҳоли ўз уйларини ташлаб кетишга мажбур бўлди. Сейсмологларнинг маълумотларига кўра, ушбу вулқоннинг отилиши натижасида минтақада хавфнинг тўртинчи даражаси жорий этилди. Маҳаллий маъмурият вулқон атрофидаги хавфли ҳудудни 9 километрга қадар оширди.**

virtual.vto@umail.uz,
gazeta-vto@umail.uz


# ПРЕЗИДЕНТ ВИРТУАЛ ҚАБУЛХОНАСИ ДАСТУРИЙ ТИЗИМИНИНГ ЯНГИ ТАЛҚИНИ

## унда жисмоний ва юридик шахслар учун бир қатор янги қулайлик ва имкониятлар тақдим этилмоқда

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

### Фуқаро Виртуал қабулхонада ўз шахсий кабинетини очиши мумкин

Президент Виртуал қабулхонасининг янги талқинида мурожаатчи ўз хоҳишига кўра, шахсий кабинет очиши мумкин. Бунинг учун жисмоний шахс рўйхатдан ўтиш жараёнида фуқаролик паспортида кўрсатилган шахсий идентификация рақамини ҳам киритиши керак. Бу – мурожаат қилувчи учун идентификациялаш (электрон гувоҳнома) имконияти бўлиб, катта қулайлик яратади.

**“Фуқароларнинг шахсий кабинети”** модулидан кўзланган мақсад – фуқароларга Виртуал қабулхона тизимида ишлашда максимал қулайлик яратиш, муайян шахснинг мурожаати билан боғлиқ барча ёзишмаларни бир жойда жамлашдан иборат.

Виртуал қабулхона тизимида фуқаролар киритган маълумотларда (исм-фамилия, туғилган йили, яшаш манзили ва ҳоказо) турли хатоликлар учраб турарди. Натижада, дейлик, айни бир шахс юборган бир нечта мурожаатлар тарихини ўзаро боғлиқликда ўрганишда қийинчиликларга дуч келинарди. Мурожаатчи билиб-билмай ўзи ҳақидаги маълумотларни киритишда хатога йўл қўйса, тизимда буни аниқлаш механизми мавжуд эмас эди.

Шу пайтгача ҳар бир мурожаатни топиш учун унинг рақами, мурожаатчининг тўлиқ исм-шарифи, манзили, мобиль телефон рақамини базага киритиб излаш керак эди. Мурожаатчи учун ўзининг барча мурожаатлари ҳаракатини бир жойда кўришнинг иложи йўқ эди. Мурожаатчилар эса бир масаладаги турли мурожаатлари ва уларга йўлланган жавобларни, одатда, қоғозга чоп этилган ҳолатда сақлайди. Буларнинг барчаси мурожаатчилар учун ҳам, мурожаатлар билан ишлашда ҳам ноқулайлик, ортиқча вақт ва куч сарфлашни тақозо қилиб келаётган эди.

Шу пайтгача мурожаатчилар янги мурожаат юборишда персонал маълумотларни такроран киритиши лозим эди. Энди мурожаатчи ўз шахсий кабинетига кириб, персонал маълумотларни бир марта киритса, бўлди – кейинги барча амалларни бажаришда шу маълумотлар тизимга автоматик юкланиб боравереди. Мурожаат юбориш учун ҳар сафар персонал маълумотларни янгидан киритишга зарурат қолмайди.

Ўз навбатида ариза, шикоят ва таклифларнинг фуқаролар шахсий паспорт маълумотлари билан тасдиқланиши мурожаатчилар шахсини аниқлаш ишончлилигини таъминлайди. Шахсий кабинет орқали шахснинг давлат органлари билан бўлиб ўтган барча ёзишмалари (барча мурожаатлар ва жавоб хатлари) бир жойда, қулай тартибда жамланади ва керакли мурожаат жавобини излаб топиш осонлашади.

### Кўп бериладиган саволларга батафсил жавоблар

Виртуал қабулхонада **“Кўп бериладиган саволлар”** бўлими ташкил этилди. Бундан кўзланган асосий мақсад мурожаатчига ўзини қизиқтирган саволга расмий мурожаат қилмасдан ҳам жавоб олиш имкониятини яратишдан иборат.

Таҳлиллар фуқароларимиз томонидан муайян соҳа ёки мавзу юзасидан **умумий характердаги ҳуқуқий ахборот ва ҳуқуқий маслаҳат** олиш учун ҳам мурожаат юбориш ҳолатлари кўп эканини кўрсатмоқда. Улар керакли маълумотни олиш учун маълум муддат кутишига тўғри келган, давлат органлари эса айни бир мазмундаги жавоб талаб қилувчи кўп сонли мурожаатларга алоҳида жавоб юборишга мажбур бўлаётган эди.

Шу муносабат билан фуқаролар мурожаатларини таҳлил қилиш натижасида кўп берилган саволлар аниқлаб олиниб, уларнинг жавоблари оддий ва тушунарли тилда ифодаланиб, махсус бўлимда жамланди. Бунда уй-жой, ижтимоий ҳимоя, тадбиркорлик ва банк фаолияти, ишлаб чиқариш, сертификатлаш ва лицензиялаш, ветеринария хизматлари, солиқлар ва жарималар, ахборот технологиялари ва коммуникациялари, транспортга оид ва ҳуқуқий масалалар, таълим, фан ва маданият, меҳнат ва аҳоли бандлиги, шунингдек, жамият ҳаётининг бошқа турли масалаларига оид саволларга жавоблар мавжуд. Керакли саволга жавобни калит сўзлар ёрдамида излаб топиш имконияти ҳам яратилган.

Махсус статистика модули орқали қайси саволларнинг жавоби энг кўп ўқилганини таҳлил қилиш мумкин. Энг кўп танишиб чиқилган мавзу автоматик равишда юқори поғонага кўтарилиб бораверади.

Янги бўлим мурожаатчини қизиқтирган савол кўп бериладиган саволлар сирасига кирса ва унинг жавоби маълум бўлса, уни мурожаат йўлламасдан ҳам топиш имконини тақдим этиши билан аҳамиятлидир.

### Портал орқали онлайн режимида ҳуқуқий маслаҳат олиш мумкин

Виртуал қабулхонанинг янги дастурий тизимида фуқароларга қулай бўлган шаклда турли муаммо ва масалалар бўйича малакали юридик ёрдам берилишини таъминловчи **“Онлайн маслаҳатчи”** модули яратилди. Бу модул **“Кўп бериладиган саволлар”** бўлими билан ҳамоҳангликда ишлайди.

Бунда турли тармоқлар ва фаолият соҳалари бўйича маслаҳатчи сифатида жалб этилган малакали мутахассислар жисмоний ва юридик шахсларга реал вақт режимида маслаҳат бериб бориши ва мазкур хизмат шу йил 15 февралдан бошлаб тест режимида ишга туширилиши кўзда тутилган.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, мурожаатларнинг салмоқли қисмини ҳуқуқий ахборот ёки маълумот олиш мақсадида юборилган мурожаатлар ташкил этади. Фуқаролар ҳаётда учрайдиган турли-туман масалаларда ҳуқуқий маслаҳат олиш учун ҳам Виртуал қабулхонага мурожаат қилар ва мурожаат кўриб чиқилиб, жавоби мурожаатчига етиб боргунича анчагина вақт талаб қилинар эди.

**“Онлайн маслаҳатчи”** хизмати Виртуал қабулхона орқали савол юбориб, онлайн режимида юридик маълумотга эга бўлган мутахассислардан тезкор ҳуқуқий маслаҳат олиш имкониятини тақдим этмоқда. Эндиликда у ёки бу масала бўйича ҳуқуқий ахборот олиш учун бир неча кун жавоб хати келишини кутиш зарурати қолмайди. Бу, ўз навбатида, порталда рўйхатга олинаётган, фақат ҳуқуқий маълумот олиш назарда тутилган мурожаатлар сони қисқаришига, давлат органларида бошқа турдаги мурожаатлар билан ишлаш сифати ошишига хизмат қилади. Жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқий маълумот олишга бўлган эҳтиёжлари тезкор равишда таъминланишига эришилади. **“Онлайн маслаҳатчи”** модули орқали кўп бериладиган саволлар мунтазам таҳлил қилиниб, шу асосда **“Кўп бериладиган саволлар”** бўлими тўлдириб борилади.

### Давлат органлари раҳбарларига Президент Виртуал қабулхонаси орқали ҳам мурожаат йўллаш мумкин

**“Вазирлик ва идоралар раҳбарларининг фуқароларни қабул қилиш жадваллари ва уларга мурожаат юбориш”** модули жорий қилинди. Бу билан **pm.gov.uz** манзилида барча давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ҳокимликлар раҳбарларининг фуқароларни қабул қилиш жадваллари ягона базада жойлаштирилди. Яъни давлат органлари раҳбарларининг фуқаролар қабулига доир маълумотлар – қабул кунлари, вақти, тегишли телефон рақамлари, электрон почта манзиллари, давлат органининг манзили ҳақидаги маълумот бир жойда жамланди.

Айрим ҳолларда жисмоний ва юридик шахслар ўзларини қизиқтирган масала учун қайси давлат органи масъул экани борасида етарли билимга эга бўлмайди. Шу боис мазкур модулда алоҳида **“Функция ва вазифалар”** бўлими ташкил этилиб, давлат органларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ функция ва вазифалари тўғрисидаги маълумотлар билан танишиш имконияти яратилди.

Ҳозир турли бўғиндаги раҳбарларнинг виртуал қабулхоналарига мурожаат йўллаш шакллари турлича бўлиб, уларнинг расмий веб-сайтларида бу ҳақда эълон қилинган. Бироқ уларни излаб топишда ноқулайликлар мавжуд. Шундан келиб чиқиб, фуқароларга портал базасида ўз мурожаатларини бевосита тегишли давлат органларига юбориш имкониятини тақдим этиш мақсадида давлат органлари раҳбарларининг шахсий виртуал қабулхонасига мурожаат йўллаш шакллари бир жойга жамланди. Эътиборли жиҳати шундаки, бундай йўсинда йўлланган мурожаатлар билан ишлаш жараёни ҳам доимий равишда назорат қилиб борилади.

### Халқ қабулхоналари ҳақидаги барча маълумот билан портал орқали ҳам танишиш мумкин

**“Халқ қабулхоналари манзиллари”** бўлимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари тўғрисидаги маълумотларга эга бўлиш мумкин. Барча Халқ қабулхоналарининг манзили, телефон рақамлари, электрон почтаси, геолокация маълумотлари ва бошқа фойдали материаллар қулай тартибда тақдим этилмоқда. Фуқаролар ва тадбиркорлар керакли Халқ қабулхонаси тўғрисидаги маълумотни Ўзбекистон интерактив харитаси орқали топиши мумкин. Алоҳида олинган Халқ қабулхонасининг жойлашган манзили онлайн харитада ёки сунъий йўлдошдан суратга олинган харита режимида кўрсатилган.

### Маҳаллангизни кўрсатинг ва муаммолар ечимига ҳисса қўшинг

Виртуал қабулхонанинг янги талқинида фуқаро мурожаат юбориш жараёнида ўзи истиқомат қилаётган маҳаллани ҳам кўрсатиб ўтиши учун имконият яратилди. Бу муаммога ечим топиш даражасини янада оширади. Шу йўл билан мурожаатда кўтарилган муаммо муайян ҳудуддаги қайси секторга тааллуқли экани аниқланади. Айни пайтда ҳудудларни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар ҳудудида қандай муаммолар мавжуд эканини онлайн таҳлил қилиш, уларни комплекс ҳал этиш учун яқин ва ўрта истиқболга мўлжалланган аниқ чора-тадбирлар, “йўл харита”лари ишлаб чиқиш имкониятлари кенгаяди.

### Таъқиб бўлса, тезкор хабар бериш мумкин

Виртуал қабулхонадаги яна бир янгилик – мурожаатчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсадида **“Таъқиб ҳақида хабар”** модули жорий қилингани бўлди. Агар кимда-ким ариза ёки шикоят билан мурожаат қилгани туфайли таъқибга учрайдиган бўлса, бу ҳақда махсус тугма орқали тезкор хабар бериши мумкин. Бундай хабарлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини жалб этган ҳолда устувор ва тезкор равишда кўриб чиқилади.

### Мурожаат ва масъулият

Энди порталда фуқаролар ўз мурожаатини юборишдан аввал мурожаат юбориш қоидалари билан танишгани ва бу борада қонунда белгиланган масъулияти тўғрисида хабардор эканини тасдиқловчи белги қўяди. Бу мурожаатчиларнинг ҳам масъулиятини оширишга, мурожаат маданиятини юксалтиришга туртки беради.

Шу пайтга қадар айрим мурожаатчилар томонидан мурожаат юбориш жараёнида бошқа шахсларга тегишли бўлган ёки умуман мавжуд бўлмаган телефон рақамини кўрсатиш, бошқа фуқаролар номидан мурожаат юбориш ҳолатлари учраб турарди. Ҳар бир мурожаатни кўриб чиқиш муайян вақт ва ресурсларни талаб қилишини, аниқ мақсадсиз мурожаат учун сарфланган вақтни бошқа асосли ариза ёки шикоят устида ишлашга йўналтирган ҳолда муаммони ҳал қилиш фуқаролар учун ҳам, жамиятимиз учун ҳам ҳар томонлама фойдали эканидан келиб чиқиб, янги тизимда мобиль телефон рақамини тасдиқлаш механизми жорий этилди.

Бунда мурожаатчи махсус мурожаат шаклига ўз мобиль телефон рақамини киритади. Шундан кейин мурожаатчининг мобиль телефонига бир марталик пароль СМС-хабар шаклида юборилади. Натижада ҳам мурожаат аниқлиги ва ишончлилиги ортади, ҳам мобиль телефон рақами тасдиқланади. Бу барча давлат органларининг виртуал қабулхоналари фаолиятига ҳам татбиқ этилади.

Шу пайтгача фуқаролар ва тадбиркорлар ўз мурожаатлари кўриб чиқилишининг жорий ҳолатини исталган вақтда базага махсус рақамни киритиш йўли билан текшириб кўриш имкониятидан фойдаланиб келаётган эди. Янги талқиндаги тизимда мурожаатнинг қабул қилингани ва назоратдан ечилгани тўғрисида тасдиқланган мобиль телефон рақамига СМС-хабарнома юборилиши йўлга қўйилмоқда.

### Янгиликлардан хабардор бўлиб боринг

Виртуал қабулхонанинг янги талқинида давлат органларининг мурожаатлар билан ишлаш соҳасидаги фаолияти, ижобий ҳал этилган масалалар, Виртуал қабулхона ва Халқ қабулхоналари тўғрисидаги янгиликлар билан янада кенгроқ танишиш имконияти яратилди. Порталга келиб тушган ва кўриб чиқилган мурожаатларнинг умумий сонини, статистик маълумотларни реал вақт режимида кузатиш имконияти мавжуд.

Бир сўз билан айтганда, Виртуал қабулхонанинг янги талқини жисмоний ва юридик шахсларга самарали ахборот, интерактив хизматларни тақдим этиш билан бирга, фуқароларнинг давлат органлари билан ҳамкорлик механизмларидан фойдаланиш имконияти ва қулайлиги даражаси ошишига хизмат қилади.

**ЎзА**

# ЎЗБЕКИСТОН ТАДБИРКОРЛАРИ 2017 ЙИЛДАГИ ФАОЛИЯТЛАРИНИ ИЖОБИЙ БАҲОЛАДИ

***2017 йилда Ўзбекистон тадбиркорларининг ярмидан кўпи олган даромадини ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва кенгайтириш, замонавий ускуналар харид қилиш ҳамда инновацион ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида ўз корхоналарига қайта сармоя тарзида киритди.***

“Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан “Ўзбекистондаги ишбилармонлик муҳити – тадбиркорлар нигоҳида” мавзуида ўтказилган ижтимоий сўров натижалари бўйича бу ҳақда маълум қилинди. Тадқиқот мамлакатимизнинг барча вилоятларида ўтказилди ва унинг доирасида бизнеснинг турли соҳаларида фаолият юритувчи тадбиркорлар фикри ўрганилди. Бу тадбиркорлар ва фермерларнинг ўз фаолияти учун яратилаётган шароитлар ва натижалардан қониқиш даражаси, давлат органларининг 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашга оид фаолияти ҳақидаги фикрларини аниқлаш имконини берди.

Сўров натижалари шуни кўрсатдики, тадбиркорлар ва фермерларнинг аксарияти (84,7 фоизи) ишбилармонлик муҳитини ижобий баҳолайди, бу ижобий ўзгаришлар Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган хусусий секторни ривожлантиришга хизмат қилувчи ва барча корхоналар учун тенг имкониятлар тақдим этувчи самарали ислоҳотлар натижаси эканини тасдиқлайди.

Респондентлар фикрича, тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатувчи “Ягона дарча” марказининг ҳокимликлар тузилмасидан Адлия вазирлиги тасарруфига ўтказилгани тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган давлат хизматларининг сифати, ҳаммабоплиги ва очиқлигини янада оширишда муҳим аҳамият касб этди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошида Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг ташкил қилинишига ҳам ижобий фикр билдирилди.

Сўровда қатнашган тадбиркорларнинг ярмидан кўпи 2017 йилда ўз фаолиятида салмоқли ижобий натижаларга эришгани, кутилган даромадга эга бўлгани ёки ўз корхоналарини ривожлантиришнинг прогноз қилинган кўрсаткичларини таъминлаганини қайд этди. Иштирокчиларнинг 66,4 фоизи мамлакатимизда барча корхоналар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар тақдим этилганини тасдиқлади.

Жамоатчилик фикрини ўрганиш Ўзбекистонда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш учун кенг резервлар мавжудлигини кўрсатди. Банк кредитларини олишда қийинчиликларнинг йўқлиги, сув, газ, электр билан узлуксиз таъминланиш ва солиқларнинг камайтирилиши шулар жумласидандир.

Тадбиркорлар фискал сиёсат, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлида тақдим этилган кўплаб имтиёз ва преференциялар ўз даромадини яширмай, аксинча, уни очиқ кўрсатишга ундайди, деган умумий тўхтамга келган.

Сўров натижалари давлат органлари томонидан корхоналарда ўтказиладиган текширувлар сони кескин камайгани, текширувлар тобора профилактик ва маслаҳат тусини олаётгани, турли камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этишга ёрдам бераётганини кўрсатади. Шунга қарамай, респондентларнинг аксарияти назорат органлари томонидан йўл қўйилаётган коррупция ҳолатларига дуч келмоқда. Шу жиҳатдан, тадбиркорларнинг ҳуқуқий маданияти, ҳуқуқий ҳимояланганлигига ишончи ортиб бормоқда. Ҳар учинчи иштирокчи ҳуқуқи бузилган ёки поймол қилинган тақдирда Президентимизнинг Виртуал қабулхонаси, прокуратура ёки маҳаллий ҳокимликка қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун мурожаат этишга тайёрлигини билдирган.

Хулоса қилиб айтганда, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида амалга оширилаётган институционал ислоҳотлар мамлакатимиз тадбиркорлари ва фермерлари томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда.

**“Ижтимоий фикр” маркази материаллари асосида**
**Роман БОНДАРЧУК тайёрлади**

*Тошкент шаҳар ҳокимининг*
*ҚАРОРИ*

# ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ДАВЛАТ КЎЧМАС МУЛКИДАН ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН 2018 ЙИЛДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ИЖАРА ТЎЛОВИНИНГ ЭНГ КАМ СТАВКАЛАРИ ҲАҚИДА

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993й., 9-сон, 320-модда) 25-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги “Давлат мулкини ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 102-сонли қарори (“Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2009 йил, 15-сон, 186-модда), Тошкент шаҳар ҳокимининг 2014 йил 13 январдаги “Ер солиғи тўлаш ставкаси бўйича зона чегараларининг схемаси ва тавсифларини тасдиқлаш ҳақида”ги 41-сонли, 2015 йил 24 февралдаги “Ер солиғи тўлаш ставкаси бўйича зона чегараларининг схемаси ва тавсифларини тасдиқлаш ҳақида”ги 162-сонли (“Тошкент оқшоми”, 2015 йил 26 февраль, 50-сон) қарорларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг 2018 йил 23 январдаги СБ-4-7/3-сонли, Молия вазирлигининг 2018 йил 23 январдаги АХ/08-01-32-14/29-сонли, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2018 йил 23 январдаги 50/01-17-сонли келишувини ҳамда Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2018 йил 23 январдаги 50/01-17-сонли хатини инобатга олиб,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Тошкент шаҳридаги давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун 2018 йилда қўлланиладиган ижара тўловининг энг кам ставкалари 1-иловага;

ижара тўловини (ижара тўловининг таянч ставкасини) ҳисоблаб чиқиш тартиби ва қўлланадиган коэффициентлар 2-иловага;

Тошкент шаҳрининг марказий қатнов кўчалари рўйхати 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. “Тошкент шаҳар давлат мулкини ижарага бериш маркази” давлат корхонаси (И.Кадиров):

давлат мулкини ижарага бериш юзасидан давлат мулкини балансда сақловчи корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар билан илгари тузилган шартномаларни хатловдан ўтказиш, уларни ҳисобга қўйиш ва шартномаларни белгиланган тартибда қайта расмийлаштиришни таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат мулкини ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2009 йил 8 апрелдаги 102-сон қарорининг 3[1]-бандига мувофиқ, давлат мулки бўлган бинолар ва хоналарда жойлашган бюджет ташкилотлари учун ижара тўловининг “ноль” ставкаси қўлланилиши белгиланганлиги инобатга олинсин.

3. Белгилансинки, давлат мулкини балансида сақловчиларнинг мансабдор шахслари уларнинг тасарруфида бўлган фойдаланилмаётган давлат мулки тўғрисидаги маълумотларни “Тошкент шаҳар давлат мулкини ижарага бериш маркази” давлат корхонасига ўз вақтида, тўлиқ ва ишончли берилиши учун шахсан жавоб берадилар.

4. Мазкур қарор “Тошкент оқшоми” ва “Вечерний Ташкент” газеталарида расмий эълон қилинсин ва www.toshkent.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.

5. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан Тошкент шаҳар ҳокимининг 2016 йил 29 декабрдаги “Тошкент шаҳридаги давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун 2017 йилда қўлланиладиган ижара тўловининг энг кам ставкалари ҳақида”ги 1161-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

7. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Н.Хусанов зиммасига юклансин.

**Тошкент шаҳар ҳокими**
**Р.Усманов**

*2018 йил 29 январь*

***Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг www.tashkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.***

# МАМЛАКАТИМИЗДА АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИ КОНЦЕПЦИЯСИ ИШЛАБ ЧИҚИЛМОҚДА

***Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикасининг ахборот хавфсизлиги концепцияси ишлаб чиқилмоқда. Унда киберхавфсизликка қарши курашиш соҳасидаги стратегик вазифалар ва концептуал йўналишлар белгиланади.***

Вазирликдан маълум қилишларича, концепция лойиҳасида ахборот хавфсизлигига асосий таҳдидлар белгиланган бўлиб, кибержиноятчиликка қарши курашиш ва унинг олдини олиш бўйича ишлаб чиқилаётган амалий чора-тадбирларга эътибор кучайтирилмоқда. Лойиҳада ахборот макони имкониятларидан фойдаланишнинг янги тамойилларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Концепцияда ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг асосий йўналишлари, шунингдек, интернет тармоғидан фойдаланишда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш тамойилларига асосланган ахборот маконидаги миллий манфаатлар ўз аксини топади.

Яратилаётган концепция ахборот хавфсизлиги соҳасида давлат сиёсатининг стратегик вазифаларини белгилаб берувчи ва мувофиқлаштирувчи муҳим ҳужжат ҳисобланади. У ўзаро ахборот ҳамкорлиги учун хавфсиз муҳитни шакллантириш ҳамда ахборот, коммуникация ва технология тизимларининг миллий ахборот маконида барқарор ишлашини, улардан шахс, жамият ва давлат манфаатлари йўлида хавфсиз фойдаланишни рағбатлантиради. Бунинг учун нафақат мавжуд таҳдидларга қарши курашиш, балки мамлакатимизга қарши душманлик ва бузғунчилик ҳаракатларини амалга ошириш мақсадида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш хавфини камайтиришга йўналтирилган миллий ахборот хавфсизлиги тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш ишлари амалга оширилади.

Мазкур тизимни шакллантиришда давлат органлари билан бир қаторда фуқаролик жамияти институтлари, илмий-тадқиқот ва илмий- ишлаб чиқариш бирлашмалари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаол иштироки кутилмоқда.

**(ЎзА)**

**_“ЭКОСАН” экология ва саломатлик халқаро хайрия жамоат фонди нодавлат нотижорат ташкилот сифатида 25 йил давомида ўз фаолиятини самарали олиб бормоқда._**

# АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР САРҲИСОБИ

Салбий экологик омилларнинг табиат, атроф-муҳит, инсон ва умуман экосистемага таъсирини камайтириш борасида олиб борилаётган ишларга кўмаклашиш Фонднинг асосий мақсадини ташкил этади. Шу билан бирга Ўзбекистон ва бутун Марказий Осиёда атроф-муҳит ва экологик барқарор ривожланиш соҳасида маҳаллий, минтақавий ва халқаро дастур ҳамда лойиҳалар ишлаб чиқилиши ҳамда уларнинг амалиётга татбиқ этилишида иштирок этиш, аҳолининг экологик онги ва дунёқарашини шакллантириш, соғлом турмуш тарзи тарғиботи борасида турли даражадаги кенг кўламли чора-тадбирларни амалга ошириш, муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш, шунингдек, ижтимоий муҳофазага муҳтож аҳоли қатламига хайрия ёрдамларини кўрсатишдан иборат.

2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури доирасида “ЭКОСАН” халқаро жамоат фонди ўз фаолиятида, асосий молиявий маблағи юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий хайриялари, давлат, нодавлат ва халқаро ташкилотлар, хорижий давлатлар ажратадиган грантлардан иборатлигидан келиб чиқиб, ҳомий ва ҳамкорларни жалб қилган ҳолда ўзининг “Мақсадли дастур”ини босқичма-босқич амалга оширди.

Аҳоли ўртасида экологик маданиятни шакллантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, атроф табиий муҳит билан уйғунликда муносабатда бўлиш мақсадида халқаро экология ва саломатлик кунларига бағишлаб, аҳолининг экологик ҳуқуқий билимлари ва маданиятини оширишда бир қатор давлат, нодавлат ташкилотлар ва таълим муассасалари билан ҳамкорликда тадбирлар ўтказилди.

“ЭКОСАН” фонди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда Ўзбекистон ННТ миллий ассоциацияси томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси муҳокамаларида ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий Марказининг Омбудсман фаолиятини такомиллаштириш ҳамда болалар ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги ишчи гуруҳларида эксперт сифатида иш олиб борди. Фридрих Эберт номидаги фонднинг Ўзбекистондаги ваколатхонасининг халқаро конференция, семинарлари ҳамда “Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ижтимоий ғоялари ва лойиҳалари ярмаркаси”да ўз кўргазмаси билан иштирок этди.

“ЭКОСАН” фонди Тошкент шаҳар 25-сонли имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган мактаби ҳамда 106-сонли заиф эшитувчи болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатларида “Табиат болалар кўз ўнгида”, 23-болалар мусиқа ва санъат мактабида “Табиат ва биз!” мавзусида, Тошкент маданият коллежи ва Республика ихтисослаштирилган мусиқа ва санъат академик лицейида “Табиатни асрайлик!” мавзуларида расм ва иншолар танловлари ва кўргазмалари ўтказилди. Ғолиб ва совриндорлар “ЭКОСАН” фондининг дипломи ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Тошкент вилояти Пскент туманида Ўзбекистон “Адолат” СДП Тошкент вилояти кенгаши ҳамкорлигида “Тоза табиат – соф келажак учун” ижтимоий лойиҳаси доирасида ўтказиладиган “Она табиатни асраб-авайлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир” экологик акцияси ташкил қилинди. Шу билан бирга Навоий, Хоразм, Сурхондарё вилоятларида ҳам турли тадбирлар ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги жамоат фондининг “Табиий ресурсларни муҳофаза қилиш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини асраб-авайлаш, аҳоли ўртасида, айниқса ёшларимизнинг экологик маданияти, онги ва дунёқарашини шакллантиришда кўргазмали тарғибот материалларидан кенг фойдаланиш” Давлат ижтимоий буюртмаси доирасида 350 та экологик тарғибот баннерлари тайёрланиб, белгиланган жойларга ўрнатилди, шунингдек, лойиҳа доирасида “Экологик плакатлар тўплами” ва “Экология асослари” ўқув қўлланмаси тайёрланиб нашр этилди. Лойиҳа самарали давом этмоқда.

Шунингдек, фонд томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги жамоат фондининг “Чилонзор тумани “Қатортол” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида “Болалар майдончаси”ни ташкил қилиш, ҳудудий жамоатчилик иштирокида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш орқали экологик вазиятни ва санитария ҳолатини яхшилашга кўмаклашиш” лойиҳасида иштирок этиб бир қатор хайрия тадбирлари амалга оширилди.

“Аҳоли ва ижтимоий объектларга хайрия ёрдамларини кўрсатиш” бўйича “ЭКОСАН – маҳаллада” дастури хайрия тадбирлари доирасида Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона ва Хоразм вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатлами, ногирон ва кексаларга ногиронлар аравачаси, ҳасса, қўлтиқтаёқ, уруш ва меҳнат фахрийлари ҳамда Ўзбекистон кўзи ожизлар жамиятининг Яккасарой бўлимининг 50 нафар аъзоларига шахсий гигиена воситалари тўплами хайрия сифатида топширилди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, “ЭКОСАН” халқаро хайрия жамоат фонди “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” Давлат дастури ижроси йўлида ўз фаолиятини самарали амалга ошириш бўйича режали ишларни давом эттираверади.

**Миркарим МИРСОВУРОВ,**
**“ЭКОСАН” экология ва саломатлик халқаро хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар филиали директори**

# ОИЛА ҚУРИШ ВА АЖРАЛИШЛАРГА ОИД МУАММОЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШГА БАҒИШЛАНДИ

**_Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Оила ва аёллар масалалари бўйича комиссияси ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаси ҳамкорлигида “Оила ва никоҳ: муаммо ва ечимлар” мавзуида амалий мулоқот ўтказилди._**

Мамлакатимизда оилани мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёлларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратиб келинаётир. Ушбу амалий чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қошида Оила ва аёллар масалалари бўйича комиссия ўз ишини бошлаган эди. Ушбу тузилма соҳага оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, ушбу йўналишдаги давлат дастурларини ҳаётга изчил татбиқ этиш, хотин-қизлар масалаларига оид Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг бажарилишини таъминлашга кўмаклашишда фаол иштирок этади. Шунингдек, оилавий ажралишлар ҳолатини таҳлил қилиш, уларнинг олдини олиш, бу соҳада таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш, камчилик ва муаммоларни таҳлил қилиб бориш ва мазкур масалаларга оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш каби вазифаларни бажаради.

Ушбу комиссия аёллар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар, жиноятчилик, хорижга ноқонуний равишда чиқиш, ўз жонига қасд қилиш ҳолатларини таҳлил қилишда иштирок этиб, уларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқмоқда.

Амалий мулоқотда мазкур комиссиянинг адлия, суд органлари вакиллари, маҳалла мутахассислари билан ҳамкорликда амалга ошираdиган ишлари юзасидан келишиб олинди. Ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлиги оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш билан бир қаторда аёллар ва болалар саломатлигини ҳимоялашда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Адлия вазирлигининг маълумотларига қараганда, 2017 йилда қайд қилинган никоҳлар олдинги йилга нисбатан 11 фоиз ошган. Аммо ажралишлар сони ошаётгани ҳам кузатилган. Ўтган йилда ажралишлар сони 2016 йилга нисбатан 8,1 фоиз кўпайган.

Шу боис, мулоқотда оилавий ажралиш ва унинг оқибатларининг олдини олишга хизмат қиладиган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, оила институтига оид қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш масалалари адлия ва суд органларининг амалий тажрибасидан келиб чиқиб муҳокама қилинди. Никоҳ ва оилани сақлаш ва мустаҳкамлашда давлат органларининг нодавлат ташкилотлари, илм ва таълим муассасалари билан ўзаро шериклик муносабатларини мустаҳкамлашга оид таклифлар билдирилди.

**(ЎзА)**




# “КАРЬЕРА КУНИ” БИТИРУВЧИЛАР БАНДЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

**_Тошкент давлат иқтисодиёт университетида ёш мутахассисларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида “Карьера куни” ахборот-таништирув тадбири бўлиб ўтди, дея хабар беради ЎзА._**

Мазкур тадбирни ўтказишдан мақсад кадрларга буюртма берган иш берувчи корхона, ташкилотлар билан бакалавриат ҳамда магистратура босқичлари битирувчилари ўртасида тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатишга кўмаклашишдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида мамлакатимизда замонавий меҳнат бозорини ривожлантириш, янги иш жойларини барпо этиш, ёш мутахассисларни иш билан таъминлаш, кадрлар танлашнинг замонавий воситаларини татбиқ этиш устувор вазифа сифатида белгиланган.

Мамлакатимизда янги иш ўринларини яратиш, аҳолининг, энг аввало, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони таълим ва фан соҳасини ривожлантириш, узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттиришда муҳим ҳужжат ҳисобланади.

Университет томонидан 2017-2018 ўқув йили битирувчиларини касбга йўналтириш ва иш билан таъминлаш борасида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликлари билан яқиндан алоқалар ўрнатилди.

Мазкур тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим, Иқтисодиёт, Молия, Бандлик ва меҳнат муносабатлари, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари ҳамда Давлат божхона қўмитаси, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпанияси, “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти, Марказий банк, тижорат банклари, шунингдек, мулкчиликнинг турли шаклларидаги 200 дан ортиқ компания ва фирма бўш иш ўринлари билан қатнашди.

Шунингдек, Британия Кенгашининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси, Европа Иттифоқининг “Erasmus+” дастури ҳамда қўшма корхоналар вакиллари ҳам фаоллик кўрсатди.

Бугунги кунда Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг бакалавриат босқичида 16 таълим йўналиши ҳамда 22 магистратура мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрланмоқда. Жорий ўқув йилида университетнинг бакалавриат босқичини 972 нафар, магистратура босқичини эса 212 нафар ёш тамомламоқда. “Карьера куни” ахборот-таништирув тадбири давомида бўш иш ўринлари билан иштирок этаётган вазирлик, муассаса, ташкилот ва корхоналарга битирувчи талабалар тўғрисида маълумотлар тақдим этилди.

Битирувчи талаба-ёшлар билан ишга жойлашиш ва касбга йўналтириш бўйича мулоқотлар олиб борилди. Шу куннинг ўзида тадбирда қатнашган ташкилотлар билан битирувчиларнинг 20 фоизи шартномалар туздилар. Бу ишлар ўқув йили охиригача давом этади.

# МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИГА БАРҲАМ БЕРИШ – ДОЛЗАРБ МАСАЛА

**_Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази томонидан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ва “Рақобат тўғрисида”ги қонунларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳиятини тушунтиришга бағишланган семинар ўтказилди._**

Марказ бош директори Б.Отахонов ва бошқалар мазкур қонунларга жорий йилнинг 9 январида киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар манфаатлар тўқнашувига барҳам бериш ҳамда акциядорлик жамиятларининг шуъба корхоналари жамиятлар фаолиятига таъсир кўрсатишини бартараф этишда амалий аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидлади.

– Қонунларга киритилган қўшимча ва ўзгартиришларда Жаҳон банкининг “Бизнес юритиш” (Doing Business) рейтинги экспертлари тавсиялари инобатга олинган, – дейди марказ бошқарма бошлиғи Б.Бобоев. – Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 8- ва 76-моддаларига киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар корпоратив бошқарув ва акциядорларнинг ҳуқуқларини, айниқса, миноритар инвесторларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Семинар доирасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 майдаги “Фонд биржасида акцияларни оммавий таклифини ўтказишни ташкил этиш тўғрисида”ги қарори ижроси бўйича жамият акцияларини аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига таклиф этиш бўйича тақдимоти ҳам ташкил этилди. Унда иштирокчилар “Кварц” акциядорлик жамияти акцияларини аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига оммавий сотишдан кўзланган мақсад ва ушбу жараён билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлди.

Семинар иштирокчилари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

**Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА,**
**ЎзА мухбири**

**Сайёр суд**

# ТАЛОН-ТАРОЖЛИК ОҚИБАТИ

**_Бу галги сайёр суд мажлиси жиноят ишлари бўйича Мирободд тумани суди томонидан “Миробод” маҳалласида бўлиб ўтди. Унга давлат айбловчиси, айбланувчининг ҳимоячиси, яқинлари, маҳалла фаоллари таклиф этилди._**

Суд раиси мажлисни очиб, судланувчи Холмирзаев Адҳам Шахобиддиновични (исм-шарифлар ўзгартирилган) таништирди.

А. Холмирзаев 1984 йилда Бухоро вилоятида туғилган. Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, оилали, уч нафар вояга етмаган фарзанди бор, вақтинча ишсиз. Муқаддам “TRANSGAZINJINIRING” унитар корхонасида муҳандис вазифасида ишлаган.

Жиноят иши ҳужжатларидан маълум бўлишича, А. Холмирзаев корхонада муҳандис бўлиб ишлаб келиб, моддий жавобгар шахс бўла туриб, 2016 йил 31 декабрь ҳолатига кўра, корхона ихтиёрида бўлган 16 турдаги, жами баҳоси 124 млн. 423 минг сўмдан ортиқ товар-моддий бойликларни ўзлаштириш билан талон-тарож қилган.

Судланувчи А. Холмирзаев судда эълон қилинган айбловга тўлиқ иқрорлик билдирди. Чунончи, у моддий жавобгарлигидаги газ ускуналари ва эҳтиёт қисмларни республикамизнинг 12 та вилоятига ўз вақтида юбориб турган. Юборилган эҳтиёт қисмларнинг айримлари яроқсиз чиққанлиги сабабли ўзига қайтарилган, бироқ уларни расмийлаштиришга келганда масъулиятни унутган. Натижада катта миқдорда қарздорлик юзага келган. Судланувчи тергов мобайнида 73,4 млн. сўмни қайтарган, қилмишидан пушаймон бўлиб, суддан енгиллик берилишини сўраган.

Суд мажлисида фуқаровий даъвогар М. Уралов А. Холмирзаев 7810-сонли шартномага асосан “Metan Gaz Butlash” МЧЖ орқали жами 7 млн. 562 минг сўмлик ускуналарни олиб чиқиб кетиб, кирим қилмаганини баён қилди.

А. Холмирзаев фаолиятида бу каби шартнома шартларини бажармаслик ҳолатлари кўплаб учрайди. Зеро, Миробод тумани ДСИ ходимлари ўтказган ҳужжатли текширишда бу ҳолат ошкор бўлиб қолди.

Қонун тили билан айтганда А. Холмирзаев Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167-моддаси, 3-қисми, “а” банди билан жиноят содир қилган.

Суд А.Холмирзаевга жазо тайинлашда адолат принципидан фойдаланиб, унинг чин кўнгилдан пушаймонлигини, зарарнинг маълум миқдори қопланганлигини ва бошқа жиҳатларни ҳисобга олиб, ҳукм эълон қилди.

Суд ҳайъати А.Холмирзаевга ЖКнинг тегишли моддалари билан 1 йил моддий жавобгарлик юклатилган лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, энг кам иш ҳақининг 120 баравари миқдорида жарима жазосини тайинлади.

Сайёр суд мажлисида иштирокчиларга давлат мулкини талон-тарож қилиш қандай оқибатларга олиб келиши ҳақида тушунтириш берилди. А.Холмирзаев ҳамманинг олдида қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон эканлигини, бошқа қайтиб бунақа ишга қўл урмаслигини таъкидлади.

Ҳа, ҳар қандай жиноят қонун олдида ўзининг муносиб баҳосини олади.

Сайёр судда қатнашганлар ана шундай хулоса билан уйларига қайтдилар.

**Жамшид УМАРОВ,**
**Миробод тумани прокуратураси катта терговчиси**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

“Ўзбекистон Республикаси илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудияси” масъулияти чекланган жамияти (ИНН 200795121) таъсисчиси — “Ўзбеккино” Миллий агентлигининг 2018 йил 4 январдаги 01-сон қарорига кўра, “Ҳужжатли фильмлар киностудияси” давлат унитар корхонасига айлантирилаётганлигини маълум қилади. Шу муносабат билан ушбу масъулияти чекланган жамиятнинг ҳуқуқий вориси бўлиб ҳисобланади.

Эътирозлар эълон нашр қилинган кундан бошлаб 1 ой ичида қабул қилинади. Манзил: Тошкент шаҳар, Чилонзор кўчаси, 1“А”-уй. Тел.: 277-03-50.

Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги 5-сонли академик лицей томонидан 2016 йил 14 июнда Ғафуров Азизхон Музаффар ўғли номига берилган L серияли №287817 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

**“ТОШКЕНТ ОҚШОМИ” ва “ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ”**

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.






# ЎРТОҚЛИК ЎЙИНЛАРИ ЎТКАЗИЛАДИ

***Футбол бўйича Хитойда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида ғалаба қозониб, бутун ўзбек халқига ҳақиқий байрам туҳфа этган Ўзбекистон олимпия терма жамоасининг олдида яна бир жиддий вазифа турибди.***

Шу йилнинг август ойида Индонезияда бўлиб ўтадиган Осиё ўйинларида айнан Хитойда чемпионликка эришган футболчилар иштирок этишади. Бўлғуси мусобақага тайёргарлик кўриш учун Ўзбекистон олимпия терма жамоаси кучли жамоалар билан ўртоқлик ўйинлари ўтказишни режалаштирган.

Жумладан, шу йилнинг март ойида Саудия Арабистони терма жамоаси билан Ўзбекистонда иккита ўртоқлик ўйинлари ўтказиш бўйича келишувга эришилди.

Саудия Арабистонига қарши дастлабки ўртоқлик ўйини 21 март куни Фарғонада бўлиб ўтади. Орадан 4 кун ўтиб 25 март куни Ўзбекистон олимпия терма жамоаси Андижонда арабларга қарши баҳс олиб боради. Бу ўртоқлик ўйинлари водийдаги футбол мухлислари учун Наврўз байрамига ҳақиқий туҳфа бўлиши аниқ.

Мазкур ўйинлар орқали Равшан Ҳайдаров бошчилигидаги терма жамоа Осиё ўйинларига тайёргарлик олиб боради.

**Ботир ХЎЖАЕВ**

## Футбол янгиликлари

# МАРКЕТИНГ СОҲАСИ РИВОЖЛАНМОҚДА

***Миллионлар ўйини ҳисобланган футболни янада ривожлантиришда маркетинг соҳасининг ҳам ўрни бўлакча.***

Ўзбекистон футбол ассоциацияси ҳамда Япония футбол ассоциацияси ўртасида имзоланган меморандумга кўра, Ўзбекистон Суперлигаси клубларининг маркетинг бўйича мутахассислари 7-12 февраль кунлари Японияда маркетинг соҳаси мутахассислари иштирокида уюштириладиган семинарда иштирок этишади.

Семинар давомида Японияниниг "L" лигаси мутахассислари миллий биринчилигимиз жамоалари вакиллари билан назарий ва амалий машғулотлар олиб боришади. Бундан ташқари мутахассисларимиз Япониядан маркетинг, ҳомийларни жалб этиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида маълумот олишади. Шу ўринда таъкидлаш жоиз, "L" лигаси маркетинг йўналиши жуда ривожланган бўлиб, ўтган йили жами 240 миллион доллар миқдорида ҳомийлик маблағи тўпланган.

# МУЛОҚОТЛАР САМАРА БЕРИШИ ТАЙИН

***Болалар футболини янада ривожлантириш мақсадида франциялик мутахассисларни мамлакатимизга олиб келиш, юртимиздаги ёшларни Франция жамоаларига жалб қилиб, Суперлига клублари савиясини ошириш, уларнинг иш фаолиятини Европа андозалари асосида йўлга қўйиш мақсадида ЎФА президенти Францияга сафар уюштирган, Франция футболи мутасаддилари билан бир қатор масалалар бўйича ўзаро келишувга эришилган эди.***

Энди жорий йилнинг апрель ҳамда май ойларида ЎФА мутасаддиларининг таклифига биноан Франция футбол федерацияси, Франция Ташқи ишлар вазирлиги, Франция Спорт вазирлиги мутахассисларидан ташкил топган делегация мамлакатимизга ташриф буюради. Суперлига клубларининг маркетинг бўйича мутахассислари иштирокида ташкил этиладиган семинарларда франциялик мутахассислар ўз тажрибалари билан ўртоқлашадилар, клубларимизнинг маркетинг бўйича фаолиятини самарали йўлга қўйишда кўмаклашадилар.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

# ЗАМОНАМИЗНИНГ ЮҚУМЛИ ВА ХАВФЛИ "КАСАЛЛИГИ" ҲАҚИДА ЎЙЛАР

***Бугун замон шиддати шу қадар кучлики, кўз илғамай, ҳис қилмасдан янгиликлар оқимига тушиб қоламиз. Ўз навбатида ёшларимиз ҳам замонга ҳамнафас улғаймоқда.***

Замон билан тенгма-тенг қадам ташлаш, унинг имкониятларидан кенг фойдаланиш йигит-қизлар олдига муайян талабларни қўяди. Ахборот технологиялари асрида аксарият ёшлар технология ютуқлари маҳсули бўлган мобиль телефон, компьютер, планшет, интернет ва бошқа воситалардан кенг фойдаланиши табиий ҳол. Бироқ ушбу замонавий воситалар хизматидан ҳаддан ташқари мақсадсиз фойдаланиш ёшларимиз уларнинг асирига айланиб қолишига сабаб бўлаётгани кузатилмоқда. Қуйида юқори технологиялар асрининг иллатларидан бири ҳақида сўз юритмоқчимиз.

...Дилноза ижтимоий тармоқларда жуда фаол. Дўстлар орттириш, улар билан суҳбат қуриш унга жуда ёқади. Суратларини тармоққа жойлаштириш эса жону дили. Аммо унинг бу қизиқиши бошига бало бўлди. Тармоқдаги нотаниш йигитнинг дил изҳоридан сўнг Дилноза ҳам унга боғланиб қола бошлади. Улар бир-бирига турли жойларда тушган суратини юборар, кейин унга изоҳ берарди. Қиз дугоналари билан бирга тоққа чиқди. Ўзини қоя устида "селфи" услубида суратга олишга уринган Дилноза бехосдан йиқилиб кетди. Натижада суякларининг синиши, умуртқа суягининг кучли зарарланиши ва бош юмшоқ қопламасининг қаттиқ шикастланиши каби касалликларни орттириб олди. Бу унинг руҳиятига ҳам таъсир этмай қолмади.

Инсон қилаётган ишларини акс эттириб, эсдалик учун суратга тушиши, ҳаётининг ҳар бир лаҳзасини фотога муҳрлашга интилишини тушуниш мумкин. Сурат яхши кунлар, тўю ҳашамлар, дўстлар ёки болаликни ёдга солувчи хотира. Аммо унинг шундай тури борки, инсонлар унга қарам бўлиб қолмоқда. Инсон ўзининг суратини олиши, яъни "селфимания" билан шуғулланиши, доимий равишда ижтимоий тармоқларга жойлаштириши бугунги кунда авж олмоқда. Ўз сурати билан безалган профиллар гўёки уларга машҳурлик келтирадигандек.

Селфи инглизчадан таржима қилинганда "self" – "ўзини-ўзи" маъносини билдиради. Демак, у ўзини кўз-кўз қилиш мақсадида суратга олиш деган тушунчага мос келади. Хўш? Ўзини мақтаса нима бўпти?

Айтиш жоизки, айни вақтда мутахассис шифокорлар томонидан бу "селфитис" касаллиги дея баҳоланмоқда. Маълум бўлишича, у бошланғич, ўткир ва сурункали босқичларга эга.

Бошланғич босқичда одамлар кунига камида уч марта ўзини суратга олади, аммо ижтимоий тармоқларга жойламайди. Ўткир ҳолатда эса олинган селфилар ҳар куни интернетда пайдо бўлади. Сурункали босқич кеча-кундуз ва бошқариб бўлмайдиган равишда ўзини суратга олиш ва суратларни интернетга жойлаш истаги билан намоён бўлар экан. Айнан шу иштиёқ инсон руҳиятидаги салбий ўзгаришларнинг авжи ҳисобланар экан.

Бундай ҳолатда одамлар эҳтиёткорлик ҳиссини бутунлай йўқотади ва ноодатий суратга олиш, интернетнинг бошқа фойдаланувчилари эътибори ва баҳосини ошириш учун ҳеч нарсадан тап тортмайди.

Ижтимоий тармоқларда "ўзингни суратга ол ва бизга юбор", "энг кулгили суратингни тармоққа жойла" каби даъватлар кўпаймоқда. Энг ачинарлиси, ён-атрофимизда ана шундай инсонларга эргашадиганлар кўпайиб бормоқда. "Улар нега айнан шу ерда, баланд бинода, поезд йўлида ёки машина ойнасидан бошини чиқариб суратга тушяпти. Демак, бир сабаби бор", деб ўйлаётган ва уларга тақлид қилаётганларга нима дейсиз? Бу касалликнинг юқумли эканидан далолат эмасми?...

### Тадқиқотлар натижаси

Ҳиндистонлик олимлар ўтказган сўров натижаларига кўра, "селфитис"га чалинганларнинг кўпчилиги эътибор, меҳр-муҳаббатга муҳтож, ўзига ишончи суст кишилардир. Улар ўзининг жамиятдаги ўрнини топишга уринади. Атрофдагилар унга эътибор бериши учун ўзини гуруҳнинг бир қисми сифатида ҳис қилиш умидида доимий равишда суратларини чоп этиб боради. Ўзлигини намоён қилиш, атрофдагилар эътиборини кенг жалб этишга бўлган кучли истак онгни бошқаради.

Руҳшуносларнинг фикрича, улар борабора атрофдагиларнинг эътироф ва эътиборига, қолаверса, ўзининг кўринишига қарамлик (нарциссизм) гирдобига тушиб қолади. Кейинчалик асаб тизими муаммолари уларни қийнайди. Феъл-атворида ўзини бошқалардан устун қўйиш, худбинлик, манманлик, лоқайдлик каби жиддий қусурлар пайдо бўлади. Ўз камчилигини тан олмайдиган, фақат яхши таърифларни эшитишга мойил бўлгани боис тажовузкор феъл-атвор эгасига айланади.

– Селфи тушишга боғланиб қолиш кейинчалик невроз ва ҳаттоки янада чуқурроқ патологик ҳолатлар – психозга ҳам олиб келиши мумкин, – дейди психолог Дилором Саъдуллаева. – Бошқалар томонидан беэътибор қолдирилган селфибоз ўзида ноқисликни ҳис этиб, оқибатда жиззакилик, норозилик ёки аксинча, руҳий тушкунликка (депрессия) тушиб қолиши мумкин. Бундай одамларга албатта психологик ёрдам кўрсатилиши лозим. Чунки улар ўзини суратга олиш ва уни интернетга жойлаштириш истаги чегарадан аллақачон чиқиб кетганини ва бу ҳолат кейинчалик оғир оқибатларни келтириб чиқариши мумкинлигини англай олмасликлари эҳтимоли юқори.

### Уларнинг орасида фарзандингиз йўқлигига ишончингиз комилми?

...Тўққизинчи қават томида йигитларнинг бири иккинчисини итарган, ўйнаган, кулган ва бошқа хатти-ҳаракатлар қилиб суратга тушмоқда. Агар пастдан уларни кўраётган бўлсангиз, хаёлингизга келган биринчи фикр нима бўлади?

Уларнинг орасида ўз фарзандингиз йўқлигига ишончингиз комилми? Унинг ўқишда, ишда ёки машғулотларда банд эканини аниқ биласизми?

Ҳа, аслида селфиманиянинг ҳаёт хавфсизлигидаги ўрни эътиборни тортади. Ўзини суратга оламан деб юз бераётган кўнгилсизликлар, ҳалокатлар, ҳаётдан эрта кўз юмишлар содир бўлаётгани ачинарли.

Ўз автоуловида тоғли ҳудудга саёҳатга чиққан йигит-қизлар қайтаётиб, ҳалокатга учради. Маълум бўлишича, машинани бошқараётган йигит селфи олишга чалғиб, айлана йўлни кўрмай қолган. Бу воқеа ижтимоий тармоқларда анча овоза бўлди. Аммо бу хабар ёшларни ҳушёр қила олмади.

Хорижий мамлакатларда симёғочга ёпишиб куйиб кетган мактаб ўқувчиси, парвоз вақтида мувозанатнинг йўқолишига сабабчи бўлган учувчилар, ўн олтинчи қаватдан йиқилган қиз, поезд остида қолган йигитлар, машина уриб юборган ёшлар... Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Юртимизда ҳам шу каби ҳолатлар, афсуски, учраб турибди.

Манманлик одамда ахлоқсизликнинг шаклланишигача олиб келаётир. Инсоний ҳис-туйғуларни четга суриб қўяётганлар сафи кенгайиб бормоқда. Дафн маросимлари, автоҳалокатлар пайтида, ёнғин, табиий ё техноген ҳодиса рўй берганда жабрланганларга кўмакка шошилиш, йиқилиб қолган кексаларга ёрдам бериш ўрнига уларнинг ёнида ёки фонида суратга тушиш, ҳаёсизларча видеога олиш ахлоқсизлик ва маънавиятсизликдан бошқа нарса эмас. Инсонийлик туйғуларидан йироқ бундай одамлар ҳақида нима дейиш мумкин?

– Халқимизда "Уят – ўлимдан қаттиқ" деган нақл бор, – дейди ЎзА мухбирига пойтахтимизнинг Яшнобод тумани "Катта Янгиобод" маҳалласида яшовчи Тўтихон ая Йўлдошева. – Ота-боболаримиз, оқила момоларимизнинг онгу тафаккурида асрлар давомида шаклланиб, сайқал топган ор-номус, уят, андиша, шарму ҳаё, ибо, иффат каби юксак ахлоқий туйғу ва диний-маънавий тушунчалар турмуш тарзимиз асосини ташкил этган. Шундай экан, қизларимиздаги ор-номус, йигитларимиздаги ғурур қаерда қолди?! Ҳатто айтишга хижолат бўладиган жойларда ўзини суратга олиб, тармоқларда фаол бўлиш одоб чегарасидан чиқиш эмасми?!

Ўғил-қизларимиз, келажагимиз бунёдкорларининг бўш вақтини фойдали ишларга йўналтириш муҳим вазифалардандир. Таълим муассасалари, маданият ва маърифат марказларида ташкил этилган турли тўгаракларга ёшларни жалб этиш, уларга тўғри таълим-тарбия бериш ўз самарасини беради. Мазмунли ташкил этилган вақт ва кучли маънавий тарбия фарзандларимизнинг бу касалликни юқтириб олишига йўл қўймасликнинг кафолатидир.

**Барно МЕЛИҚУЛОВА**

# РАМИЗ КРЕМЛЬ САРОЙИДА ОЛҚИШЛАРГА САЗОВОР БЎЛДИ

***Яқинда Москва шаҳридаги Кремль саройида бўлиб ўтган "Звезды "Романсиады" ("Романсиада" юлдузлари") номли гала-концертда Ўзбекистон халқ артисти Рамиз Усмонов иштирок этди.***

Испаниялик машҳур опера хонандаси Хосе Каррерас ўзбекистонлик солистга "замонамизнинг энг жозибали овози" деган таъриф берди. Рамизнинг Кремль саҳнасидаги чиқишини томошабинлар гулдурос ва давомли қарсаклар билан қарши олди.

Рамиз Усмоновни рус романсининг "Романсиада" халқаро танлови билан кўплаб ёқимли хотиралар боғлаб туради. Юртдошимиз 2008 йилда Чимкент (Қозоғистон)да бўлиб ўтган "Романсиада – 2008" минтақавий танловида биринчи, Москвадаги "Романсиада – 2008" халқаро танловида иккинчи мукофот соҳиби бўлган.

Рамиз мусиқий байрам кечасида Ж.Пуччинининг "Турандот" операсидан машҳур Калаф ариясини ижро этди. Шунингдек, Кремль саройи саҳнасида Рамиз Усмонов ҳамда беларуслик таниқли тенор Владимир Дмитрук ижросида рус халқ қўшиқлари янгради.

– Совуқ об-ҳавога қарамай, Москвада мени илиқ кутиб олишгани унутилмас таассурот қолдирди, – дейди Рамиз Усмонов. – Бу "Романсиада" юлдузлари" гала-концертидаги илк иштироким эмас, ҳар сафар у мен учун нафақат катта байрам, балки дўстлар ва албатта ҳозир ҳам ўз машҳурлигини йўқотмаган романс мухлислари билан дийдор кўришиш имкониятидир.

Рамиз Усмонов Тошкентдаги Юнус Ражабий номидаги мусиқа билим юртида "рубоб" йўналиши бўйича таҳсил олган. 2000 йилда Ўзбекистон давлат консерваториясига "академик вокал" мутахассислиги бўйича Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, доцент А.Абдуқодиров синфига ўқишга кирди. Шу йили у Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик Катта театрига стажировка гуруҳига қабул қилинди. 2005 йилдан буён Рамиз мазкур театрнинг опера солисти ҳисобланади.

2010 йилда Рамиз Озарбайжонда бўлиб ўтган Булбул номидаги вокалчилар халқаро танловида биринчи мукофот ва "Танловнинг энг яхши тенори" унвонига сазовор бўлган. 2012 йилда Қозоғистонда Б.Тўлаганова танловида Гран-при, 2013 йили Австрияда бўлиб ўтган "Competizione dell Opera" танловида иккинчи ўринни эгаллаган.

**Н.УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"MEHNAT AGROTEX" МЧЖ ўзига тегишли Тошкент вилояти, Тошкент тумани, Ҳасанбой ҚФЙ ҳудудида жойлашган жами 11,86 ГА ер майдонидаги узумзор ва боғларни олди-сотди шартномаси асосида сотишини маълум қилади.

Батафсил маълумотларни Тошкент вилояти, Тошкент тумани, Қизғалдоқ ҚФЙ ҳудуди, Мустақиллик кўчаси, 31-уйда жойлашган "MEHNAT AGROTEX" МЧЖ раҳбариятидан олишингиз мумкин.

Телефон: +99893 501-22-02, +99893 382-49-44.

"Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати" давлат корхонаси томонидан Шайхонтоҳур тумани, Марказ-14, 7 ва 9-уйлар оралиғидаги манзилда жойлашган "Xadra" маҳалла фуқаролар йиғини номига берилган нотурар жойнинг 10-419/2015 реестр рақамли кадастр ҳужжатлари ҳамда бино-иншоотга 22.10.2015 йилда берилган ТА 0129517-сонли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

**ЎЗГИДРОМЕТ**
ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **2 февраль** куни ҳаво ўзгариб туради, кечга бориб ёғингарчилик (ёмғир, қор) бўлиши мумкин. Шарқдан ғарбга томон секундига 5-10 метр тезликда, кучайган ҳолда секундига 12-17 метр тезликда шамол эсиши мумкин. Ҳарорат кечаси — 0-2 даража совуқ, кундузи — 8-10 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **2 февралда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95. факс: (0-371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-5229
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 235
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 10877 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
Босишга топширилди: 14.30
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
12345